*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2013 йил **29 июнь** ШАНБА **№ 53** (12585)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

## ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

**"Хуршид-Иқбол-Бўстон" фермер хўжалиги бу йил ҳам давлат эҳтиёжлари учун ғалла сотиш шартномасини биринчилардан бўлиб бажарди. Энг муҳими – ҳосилдорлик 55 центнерданга тўғри келди. Оҳангарон шароитида бу яхши натижа.**

## ШАРТНОМА ИККИ КУНДА БАЖАРИЛДИ

Қабул пунктига режадаги 41,5 тонна ўрнига 46 тонна дон топширилди. Аъзоларнинг ўзларига 25 тоннадан кўпроқ буғдой қолди.

– Ўрим-йиғим отряд усулида ташкил этилаётгани айни муддао бўлаяпти, – дейди фермер Гулбаҳор Мавлонова. – 14 гектардаги ғаллани "Класс-Доминатор" комбайнида икки кунда ўриб-янчиб олдик. Энди бутун кучимизни 6 гектардаги сабзавот экинлари ва 20 гектар лалмидаги махсар парваришига қаратамиз.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**



Қишлоқ мулкдорлари

## «ФЕРМЕР – ШОТИ ЭКИБ, АРАВА УНДИРАДИГАН БЎЛИШИ КЕРАК»

### дейди Оққўрғон туманидаги "Равшан Аср" фермер хўжалиги раҳбари Рустам Абдуллаев

Тумандаги 299 та фермер хўжалигининг 46 таси кўп тармоқли. "Равшан Аср" фермер хўжалиги ҳам шулар қаторида.

Оққўрғонликлар Рустам Абдуллаевни "Боши мисдан, оёғи пўлатдан, ёзда қорайиб, қишда совуқ еб, тиним билмай ишлайди. Жуда серғайрат" дейишади.

Рустам маълум муддат чорвачилик фермасида ишлади. Болалиги буғдойзорда бошоқ, пахтазорда пахта териб ўтгани, соҳада орттирган озми-кўпми тажрибасига таяниб, 2001 йилда мустақил фермерлик ҳаракатини бошлади.

Эртаю кеч 43 гектар ерни пайпаслаб, пахта ва ғалла етиштирди. Меҳнати бесамар кетмади. Даромади ҳисобидан зарур техникаларни бутлади. Шу йил бошида дала шийпони ёнида автомобилларга хизмат кўрсатиш шахобчаси ва озиқ-овқат дўконини ишга туширди. Шоҳруҳия қишлоғидаги 10 га яқин ўғил-қизни ишли қилди.

Яқинда фермер даласида бўлиб, у билан суҳбатлашдик. Гапнинг буёғини унинг ўзидан эшитинг:

– "Яхши ният ярим давлат" дейди халқимиз. Бу йил 18 гектарда ғалла етиштирдик. Шукр, юзимиз ёруғ. Ўртача ҳосилдорлик 55 центнердан айланди.

Пахтадан ҳам 35-40 центнердан хирмон кўтаришни мўлжаллаяпмиз. Кўриб турганингиздек, далада ҳозир иш авжида. Ғўзани иккинчи суғоришга тайёрлаяпмиз.

Бу йил ҳам кўзлаганимиздан ортиқ даромад олишга ишонамиз. Шунинг учун фойдани хўжалигимиз қошида қўшимча тармоқ очишга йўналтирмоқчимиз.

Ўйлашимча, 5-10 йиллардан кейин фақат пахта ва ғалла экадиган фермер қолмайди. Кўп тармоқлилари яшайди. Шуни ҳисобга олиб, имкон борида иложини топиб, отни қамчилаяпмиз. Тармоқларни кўпайтириш ва кенгайтириш ҳаракатидамиз.

Менинг бир одатим бор. Ўйлаган ишимни аввал тажрибада синаб кўраман. Натижадан кўнглим тўлса, қўл ураман, бўлмаса, йўқ. Синовда хўжалигимиз ҳудудида ноқулай ташландиқ ерларнинг борлиги қўл келяпти. 5 сотихча келадиган жойни обдон ишлаб, булғор қалампири экдик. Ҳосилга кирди. Мақсад экин бўлиш-бўлмаслигини кўриш эди. Энди қўрқмай, иссиқхона қуриб, лимонзор яратсак бўлади.

Бу ташландик жойлар текис кўрингани билан таги тўла бетон. Аввал бу ерларда консерва заводи бўлган. Ер остидаги бетонлар чуқур кавлашда тракторга ҳалал беряпти. Аммо бу бизни тўхтатолмайди. Кўриб турганингиздек, беда бехато ва қалин кўкарди. Боқилаётган мол ва паррандага тайёр озуқа. Жониворлар эртага хўжалигимизнинг 17 аъзоси учун тушлик ва кечки овқатга гўшт, чўнтагига маош бўлади.

Атрофимиз қалин боғ. Ўйлаб қарасам, асаларичилик билан шуғулланишимизга тайёр шароит. Бу, албатта, келажакдаги режа. Лекин ҳозир астойдил бир иш қилишни ўйлаяпман. У ҳам бўлса – балиқчилик. Манави далаларимизга сув берадиган асосий катта ариқ. Унда сув бекор оқяпти. Ичидаги ўтлар балиқларнинг озуқасига ярайди. Лимонзор ташкил этишни режалаштираётган ҳудуднинг этагида 5-6 гектарча ташландиқ жой бор. Унда сунъий кўл барпо қилиб, балиқ боқса бўлади. Шуни ўйлаб, ариқнинг 50 метрли қисмини мўлжаллаб, боши ва охирини майда тешикли симтўр билан тўсдик. 50 килограмм амур, зоғарабалиқ чавоқларини ташладик. Ҳозир бир-бир ярим қарич бўлди. Бу ҳам хизматчилар қозонига.

Фикримча, бугунги фермер – шоти экиб, арава ундирадиган бўлиши керак. Чунки ҳеч қачон биз фермерларга бугунгидек эътибор берилмаган, ҳар тарафлама шароит яратилмаган. Биздан шу имкониятлардан унумли фойдаланиш талаб этилади холос.

Яқинда бир гуруҳ фермерлар Хитойга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи технологияларнинг янги модели кўргазмасига борамиз. Ўша технологияларни кўриб, ўрганиб, маъқулини олиб келсак, мақсадимизга эришамиз.

**Суҳбатни "Тошкент ҳақиқати" мухбири Бекзод ҲИДОЯТОВ ёзиб олди.**

*Тошкент вилояти ҳокимининг қарори*

## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ XXVII СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

**"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига мувофиқ**

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг XXVII сессияси 2013 йил 6 июль куни соат 12.00 да вилоят ҳокимлиги мажлислар залида чақирилсин.

**Вилоят ҳокими А. УСМОНОВ.**

Тошкент шаҳри, 2013 йил 28 июнь.

## «SARKARITEL»ДА «ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ»

**Жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида кузатилаётгани сингари Ҳиндистон оммавий ахборот воситалари ҳам Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти мавзусига тез-тез мурожаат қилмоқда. Яқинда "Sarkaritel" ахборот-таҳлил порталида юртимизда ҳаётга изчил татбиқ этилаётган "Обод турмуш йили" Давлат дастури мавзуига бағишланган "Халқ фаровонлигини юксалтиришга қаратилган дастур" сарлавҳали мақола эълон қилинди.**

Унда аҳоли фаровонлиги ва даромадларини мунтасил юксалтириб бориш, ёшларни иш билан таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳамда фермерликни янада ривожлантириш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига давлат томонидан аниқ мақсадга йўналтирилган ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш "Обод турмуш йили" Давлат дастурининг муҳим йўналишлари эканлиги алоҳида қайд этилади.

"Sarkaritel" республикамизда меҳнат бозорини тажрибали мутахассислар билан таъминлаш мақсадида касб-ҳунар коллежлари ва иқтисодиёт субъектлари ўртасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан олиб борилаётган кенг кўламли ишларни юқори баҳолайди. Мақолада қайд этилганидек, "Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 2012 йили коллежларни тугатган 450 минг нафардан ортиқ битирувчи иш билан таъминланиб, уларнинг аксарияти ўзлари ишлаб чиқариш амалиётини ўтаган корхоналарга ишга жойлашдилар. Шунингдек, ҳар бир вилоят, шаҳар ва туманларда мунтазам ўтказилаётган бўш иш ўринлари ярмаркалари ҳам аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим ўрин тутаётир".

"Иш ўринларини ташкил қилишда, биринчи навбатда, турли тармоқларни қамраб олган дастурларни амалга ошириш, корхоналарни модернизация қилиш ва технологик янгилаш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни чуқурлаштириш, транспорт ва коммуникация қурилишини, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини жадал ривожлантириш, ободонлаштириш ишларини кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда", деб ёзади "Sarkaritel".

**"Жаҳон" АА, Деҳли.**

## ЁШЛАР – ИЛЛАТЛАРГА ҚАРШИ

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши 1 июндан 1 июлга қадар ўтказаётган "Гиёҳвандлик ва чекишга қарши курашиш ойлиги" доирасида шаҳар ва туманларда прокуратура, ички ишлар ходимлари ва хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда "Наркотик моддаларнинг ноқонуний айланиши ва унинг салбий оқибатлари", "Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз!" мавзуларида турли семинар ва давра суҳбатлари ташкил этилиб, ёшларни миллий қадриятларимизга ҳурмат-садоқат руҳида тарбиялаш, ОИВ/ОИТС, гиёҳвандлик ва чекиш каби зарарли иллатлардан асраш сингари қатор мавзуларда маърузалар ўқилмоқда. Шунингдек, расмлар танлови ҳам ўтказилиб, ғолибларга ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари топширилмоқда.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.**

## АСР ВАБОСИ

Тошкент Давлат аграр университетида ташкил этилган "Гиёҳвандлик – ҳаёт кушандаси" мавзуидаги анжуман университет ҳамда Қибрай туман марказий поликлиникаси ҳамкорлигида уюштирилди. Олий тоифали шифокор-профессорлар, талаба-ёшлар қатнашган тадбирда гиёҳвандлик иллатлари акс эттирилган ҳужжатли кинофильмлар намойиш этилди.

**Бахтиёр ШАВКАТОВ.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

### Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қиймати 5000 сўм бўлган пул билетларини муомалага чиқариш тўғрисида




2013 йилнинг 1 июлидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қиймати 5000 сўм бўлган янги пул билетларини муомалага чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қиймати 5000 сўм бўлган пул билетлари 144 х 78 мм. ўлчамдаги ҳимояланган қоғозда тайёрланган.

Банкнотнинг ўнг тарафидаги кенг оқ рангли сатҳда Ўзбекистон Республикаси Герби ва "5000" рақами кўринишида сув белгиси мавжуд.

Оқ рангли сатҳнинг чап тарафидан қоғоз қатламида голографик эффектли ичкарига ботувчи ҳимоя ипи ўтказилган.

Билет олд томонининг юқори қисмида "O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI" ёзуви мавжуд.

Чап қисмида нақшинкор элементлар фонида Ўзбекистон Республикаси Герби тасвирланган.

Гербнинг пастки қисмида еттита рақамли номери билан икки лотин ҳарфидан иборат серияси жойлашган.

Нақшинкор рамканинг ўнг ва чап бурчакларининг қуйи қисмида, шунингдек, Гербнинг ўнг тарафида билетнинг қийматини билдирувчи "5000" рақами тасвирланган.

Гербнинг ўнг тарафидаги "5000" рақами устига йирик ҳарфлар билан "SO'M" сўзи ёзилган. Ушбу тасвир тепасида билет қиймати сўз билан "BESH MING" кўрсатилган.

Нақшинкор рамканинг пастки қисмида "O'ZBEKISTON SO'MI RESPUBLIKA HUDUDIDA HAMMA TO'LOVLAR UCHUN O'Z QIYMATI BO'YICHA QABUL QILINISHI SHART" ёзуви жойлашган.

Банкнотнинг жигарранг нақшинкор рамкаси, "O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI" ёзуви, Герб, ўнг ва чап томондаги "5000" рақамлари бўртиб туради, ушлаб кўрилганда сезилади.

Оқ рангли сатҳда жойлашган "5000" рақами унинг диагонали бўйича фарқланган икки хил рангда ишланган. Рақам тепасида билетнинг номери ва серияси такрор кўрсатилган.

Оқ рангли сатҳнинг юқори қисмида қиялик бурчагининг ҳолатига қараб рангини бронза рангидан яшил рангга ўзгартирувчи ва ушлаб кўрилганда билинадиган бўртиб турувчи нақш мавжуд.

Нақш тепасида банкнот чиқарилган йил "2013" кўрсатилган.

Банкнотнинг орқа томони чап қисмидаги оқ рангли сатҳда сув белгилари кўринади. Оқ рангдаги сатҳнинг юқори ва пастки қисмларида рангли нақшинкор безаклар жойлашган бўлиб, пастки безак устида "5000" рақами акс эттирилган.

Банкнотнинг марказида "OLIY MAJLIS" меъморий биноси, бино гумбазининг тепасида Ўзбекистон Республикасининг рангли байроғи тасвирланган.

Расмнинг юқори чап бурчагида бир-бирини кесиб ўтувчи "5000" ва "SO'M" ёзувлари мавжуд бўлиб, уларнинг тепасида банкнотнинг қиймати сўз билан "BESH MING" кўрсатилган.

Уларнинг пастки қисмида турли баландликдаги, қиялик бурчагининг ҳолатига қараб рангини ёрқин тилла рангдан оч яшил рангга ўзгартирувчи иккита "5000" рақамлари жойлашган.

Шунингдек, банкнотнинг "5000" рақамдаги қиймати унинг юқори ўнг бурчагида ҳам тасвирланган.

Пастки қисмида "O'ZBEKISTON SO'MINI QALBAKILASHTIRISH QONUNGA MUVOFIQ TAQIB QILINADI" ёзуви жойлашган.

Муомалага чиқарилаётган қиймати 5000 сўм бўлган пул билетлари, айни пайтда муомалада бўлган пул белгилари ва тангалар билан бир қаторда, барча хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳоли томонидан ўз қиймати бўйича барча турдаги тўловлар учун ҳеч қандай чекловларсиз қабул қилиниши шарт.

## МУКОФОТ МУБОРАК

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси **"Йилнинг энг фаол журналисти – 2012"** танлови ғолибларини эълон қилди. Улар орасида вилоятимиз вакили, Ангрен шаҳридаги "Улуғ йўл" газетасининг муҳаррир ўринбосари **Нигора Шофайзиева** танловнинг рағбатлантирувчи мукофотига сазовор бўлди.

**"Матбуот ва оммавий ахборот воситаларининг ҳаётимиздаги ўрни ва таъсири ортиб, халқимиз ўртасида "Тўртинчи ҳокимият" сифатида тобора катта ишонч ва ҳурмат қозониб бораётган экан, бунинг негизида, авваламбор, журналистлар, кўп ҳолатларда кўзга ташланмайдиган камтарин муҳаррирлар,ноширлар, матбаа соҳаси ва замонавий ахборот-коммуникация тармоқларининг минг-минглаб заҳматкаш ишчи-хизматчиларининг кундалик оғир ва сермашаққат меҳнати мужассам, десам, ўйлайманки, кўпчиликнинг фикрини ифода этган бўламан..."**

## ЖАМИЯТ ҲАЁТИНИНГ МАТБУОТДАГИ ИНЪИКОСИ



Муҳтарам Юртбошимиз Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан йўллаган байрам табригида келтирилган юқоридаги фикрлар мазкур соҳанинг ҳаётимизга тобора чуқурроқ сингиб бораётганининг тасдиғидир.

Бугун оммавий ахборот воситалари чин маънода жамият кўзгусига айланиб бораётгани, халқ ва ҳокимият ўртасидаги кўприк, қолаверса, жамоатчилик назоратида тобора катта аҳамият касб этаётганини ҳар бир жабҳада кузатишимиз мумкин. Байрам муносабати билан вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси ташаббуси билан ўтказилган тадбирда шулар хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Вилоятимизнинг сўлим гўшаси – Бўстонлиқ туманидаги "Хўжакент" сиҳатгоҳида ўтган байрамда вилоят, шаҳар ва туман миқёсидаги нашрлар, телевидение ва радио таҳририятларида ижод қилаётган журналистлар ҳамда соҳа ходимлари иштирок этди.

Унда мамлакатимиз, жумладан, вилоятимиздаги янгиланишлар ва ўзгаришларни ёритишда алоҳида ўрнак кўрсатаётган, миллий журналистика ривожига муносиб ҳисса қўшаётган ижодкорларга вилоят ҳокимлиги ҳамда матбуот ва ахборот бошқармасининг фахрий ёрлиқлари, эсдалик совғалари топширилди.

Бир пиёла чой устида давом этган байрам тадбири Бўстонлиқ туманида чоп этиладиган "Бостандық доусы" газетасининг 80 йиллик тўйига уланиб кетди.

Тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раси Сайёра Файзиева иштирок этди.

**Равшан НЕЪМАТОВ.**
**Даврон АҲМАД олган сурат.**

Ўзбекистон – умумий уйимиз

# ТЕНГЛИК ВА ТОТУВЛИК

## вилоятимизда яшаб, меҳнат қилаётган ҳар бир миллат вакилининг кундалик ҳаёт шиорига айланган

Ўзбекистонда 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари мустақиллик шарофати билан ўзаро аҳил ва тотувликда ҳаёт кечиришаяпти. Жумладан, вилоятимиз ҳам республикамизнинг энг кўп миллатли ҳудудларидан бири. Бутун республикамизда бўлгани каби вилоятимизда турли миллат вакилларига ўқиш, ишлаш, миллий урф-одат ва қадриятларини авайлаб-асраш, тарғиб қилиш, ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида ўзларини намоён этишлари учун тенг шароит ва кенг имкониятлар яратилган. Вилоятда корейс, рус, украин, қозоқ, туркман, тожик, беларусь, татар, озарбайжон миллатларининг жами 25 та миллий маданий марказлари фаолият юритмоқда.

Вилоят ҳокимлиги республика Байналминал маданият маркази, Дин ишлари бўйича қўмита ва "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси билан ҳамкорликда республика Президентининг "Обод турмуш йили" Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида Бекобод ва Чирчиқ шаҳарлари, Янгийўл туманида соҳа мутахассислари ва масъул ташкилотлар раҳбарлари ҳамда кўп миллатли вилоятимиз аҳолиси вакиллари иштирокида "Ёшларни миллатлараро тотувлик руҳида тарбиялашда миллий маданий марказлар ва бошқа фуқаролик жамияти институтларининг роли" мавзуида давра суҳбатлари ва учрашувлар уюштирди. Жумладан, Олмалиқ шаҳридаги "Металлург" маданият саройида "Обод турмуш шаклланишида миллий ва маънавий қадриятларнинг ўрни" мавзуида илмий-амалий семинар ўтказилди.



Байрам тадбири "Кўп миллатли ва кўп конфессияли Ўзбекистон" номли миллий кўргазма намойиши билан бошланди. Кўргазмада миллий кийимлар, уй-рўзғор анжомлари, халқ маданиятини акс эттирувчи, тарихий аҳамиятга молик буюмлар, шунингдек, турли миллий таом ва пишириқлар намойиш этилди.

Семинардан сўнг "Ўзбекистон – умумий уйимиз" 5-республика дўстлик ва маданият фестивалининг вилоят босқичи ўтказилди. Унда рус, корейс, озарбайжон, қозоқ, украин, татар, уйғур миллий маданий марказлари вакиллари шеърлар ўқишди, ашула ва рақслар ижро этишди, турли ижодий гуруҳ ва фольклор дасталари бадиий чиқишлар қилишди.

Семинарда вилоят ҳокими ўринбосари Алимардон Қаршиев иштирок этди.

**Ўз мухбиримиз.**

Узвий ва узлуксиз таълим

**Бугун мамлакатимизда ўқишни, изланишни, ҳунар ўрганишни истаганларга барча шароитлар яратилган. Имкониятлардан унумли фойдаланиб, билими, юксак салоҳияти билан тенгдошларига намуна бўлаётган, изланишлари натижасида мақсадига эришаётган ёшларимиз талайгина. Айниқса, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари билимларни чуқур эгаллаб, фан олимпиадалари ҳамда санъат ва спортда мамлакат довруғини оламга таратишга муносиб ҳисса қўшаётгани таҳсинга лойиқ.**

# ТУРДОШ КОЛЛЕЖЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИК

Республика коллежларининг 745 таси ихтисосликлари бўйича Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтига (ТТЕСИ) турдошдир. Институтда турдош ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари фаолиятини ўрганиб, уларга кўмак бериш, истиқболли режа асосида ўзларига бириктирилган турдош касб-ҳунар коллежлари билан ҳамкорликни янада ривожлантириш изчил йўлга қўйилмоқда.

"Олий таълим муассасаларининг турдош касб-ҳунар коллежлари билан ҳамкорликда ишлашнинг намунавий моделини яратиш ва уни жорий этиш" лойиҳаси асосида институтнинг академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари билан ишлаш бўлими негизида тузилган ишчи гуруҳ мамлакатимизнинг турдош касб-ҳунар коллежларида аниқ мақсадга йўналтирилган кенг қамровли фаолият олиб бормоқда. Давлатимиз раҳбарининг "Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори бу борадаги фаолиятни янада чуқурлаштиришда дастуриламал бўляпти.

Тошкент вилоятидаги 121 та касб-ҳунар коллежининг 60 таси институтга турдош бўлиб, улар билан ҳамкорлик шартномалари тузилди ва шу асосда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси билан ҳаракат дастурлари ишлаб чиқилди. Вилоятнинг ҳар бир туманидан таянч касб-ҳунар коллежлари танлаб олиниб, илмий-амалий семинарлар ўтказилди. Вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси вакиллари, коллежлар жамоаси, ўқувчи-ёшлар ва уларнинг ота-оналари, туманлардаги ишлаб чиқариш корхоналари, фермер хўжаликлари ва бошқа иш берувчи ташкилот раҳбарлари иштирок этган бундай семинарларда коллежларнинг фаол педагог ўқитувчилари ва ўқув усталари фахрий ёрлиқлар, истеъдодли ўқувчиларнинг ота-оналари эса миннатдорчилик ёрлиқлари билан рағбатлантирилди.

Шунингдек, коллежларнинг ахборот-ресурс марказларини институт кафедраларида яратилган дарсликлар, ўқув ва услубий қўлланмалар ҳамда электрон дарсликлар билан янада бойитиш мақсадида "ТТЕСИдан услубий таъминот" электрон базаси орқали уларга амалий ёрдам кўрсатилмоқда.

Вилоятнинг ҳамкорлик шартномалари тузилган турдош касб-ҳунар коллежлари талаб ва таклифлари, мурожаатлари асосида илғор педагогик ва информацион технологияларга асосланган замонавий ўқув адабиётларини институтнинг мутахассис-олимлари, тажрибали профессор-ўқитувчилари ҳамда касб-ҳунар коллежларининг малакали педагог-ўқитувчилари билан ҳаммуаллифликда яратиш мақсадида ҳамкорлик қилинмоқда.

Ўтган йил сентябрь ойида "Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти" мавзусида ўтказилган халқаро конференцияда Юртбошимиз томонидан қўйилган устувор вазифаларнинг ижроси айнан академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун янги имкониятлар эшикларини очди. Тобора юқори нуфузга эга бўлиб бораётган Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳамда Тошкент вилоятидаги турдош касб-ҳунар коллежлари жамоалари учун ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш билан бирга аниқ мақсадлар сари ҳамкорликда ҳаракат қилинмоқда. Зеро, тинч ва осуда Ватанимизнинг келажаги ёшларимиз қўлида экан, уларга нафақат тўғри йўналиш бериш, балки амалий кўникма ҳосил қилишларига ёрдамлашиш, қалбларида илм-фан ва касбга муҳаббат уйғотиш давр талабидир.

**Р. МАҚСУДОВ,**
**Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти проректори.**



Гап эгасини топади

**Иш ҳақини пластик карточка орқали тўлашаётгани чўнтакни қаппайтириб юришдан халос этди. Айниқса, тўлов карточкаларининг "Онлайн" тизимига ўтказилгани банк ва бошқа муассасага бормай, маошингизнинг ўзи карточкага келиб тушаётгани жуда қулай бўлди. Аммо...**

# «ОНЛАЙН» ИЗЛАБ...

Ўша "Онлайн" тизимининг ҳам ўзига хос муаммолари бор экан. Яқинда хизмат сафари билан Бекобод туманига бориб, шу муаммони ўз бошимдан ўтказишга мажбур бўлдим.

Қўйлиқ шоҳбекатига борганимда, телефонимнинг пули тугаб қолгани маълум бўлди. Автобуслар тўхтайдиган жойнинг шундоққина бурчагида "Paynet" деб олди-ортига ёзиб ташланган бинога кирдим. У ердаги терминалнинг "Онлайн" тизимига уланмаганини айтишди. Сўнгра шоҳбекатдаги барча "Paynet" нуқталарини, ҳатто йўлнинг у томонидаги 2-шоҳбекатни ҳам айланиб чиқдим. Ҳеч қайсинисида "Онлайн" тизими йўқ экан.

Ҳа, майли, Бекободда пул ўтказарман дея йўлга тушдим. Туман маркази – Зафар шаҳарчасидаги деярли барча савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари "Мустақиллик" кўчаси бўйлаб жойлашган экан. Чорраҳанинг шундоқ биқинидаги "Paynet" шохобчасига кирдим.

– Терминал бор, лекин "Онлайн" ишламайди, – деди ёшгина йигит.

– Нега ишламайди?

– Алоқа чатоқ.

Сафар жараёнида шаҳарчадаги деярли барча "Paynet" тармоқларини айланиб, шундай жавоб олдим. Аммо, "Ниҳол" дорихонасида, Р. Юсупованинг дўконида, ёқилғи қуйиш шохобчаларидаги терминалларда "Онлайн" тизими жуда яхши ишлаётганини кўрдим. Лекин телефонга пул тўламоқчи бўлган жойларимиздаги терминаллар "Онлайн" тизими билан боғланмаган, уланганлари эса ишламайди, айримларига умуман терминал ўрнатилмаган экан.

Хизмат юзасидан ишхонам билан қўл телефонида боғланиш учун туманда пул тўлаёлмай, Бекобод шаҳрига бордим. Буюм бозорига кираверишдаги "Paynet" шохобчасида ўтирган қиздан терминал "Онлайн"га уланмаганини билдим. Қаерда шундай карточка орқали пул тўлашим мумкинлигини сўрагандим, қиз бундай терминал ўрнатилган жойни билмаслигини айтди.

Ваҳоланки, бу ердан 100-150 метр нарида "Тоҳир-Зуҳра" савдо мажмуасининг биринчи қаватида шундай жой бор экан. Афсуски, деҳқон ва буюм бозори ҳудудидаги бошқа бирорта "Paynet" шохобчасидаги терминаллар "Онлайн" тизимига уланмаганлигининг гувоҳи бўлдим.

"Онлайн" тизимига оид ушбу мулоҳазаларим савдо ва хизмат кўрсатиш тармоқларига ҳам тааллуқли. Вилоятимиздаги бундай тармоқларнинг айримларига терминаллар уланмаган, ўрнатилганларида "Онлайн" тизими йўқ ёки алоқа ёмонлиги туфайли ишламайди.

Хуллас, арзимас бўлиб кўринган кичик бир муаммо туфайли кун бўйи сарсон бўлдим. Хўш, мен каби саргардон бўлган одамлар вилоятимизда камми? Нега "Paynet" шохобчаларига мутасадди бўлганлар, банк муассасалари ушбу масалага бефарқ қарашади? Ахир инсоннинг турмуш тарзини, эҳтиёжини белгиловчи омилларнинг майда-чуйдаси бўлмайдику?

**Зиёд ФАЙЗИЕВ,**
**Тошкент шаҳри.**



Касаба уюшмалари ҳаёти

# МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИГА БАҒИШЛАНДИ

**Вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши "Ўзметкомбинат" очиқ акциядорлик жамиятида меҳнат муҳофазаси масалаларини ҳал этишда жамоатчилик назоратини кучайтириш, касаба уюшмалари қўмиталарининг меҳнат муҳофазаси комиссияси фаолиятини жонлантиришга оид минтақавий семинар ўтказди.**

Вилоят саноат корхоналари касаба уюшмалари қўмиталари раҳбарлари, меҳнат муҳофазаси ва саноат хавфсизлиги бўлимлари ходимлари иштирокида ўтказилган семинар "Зарарли ишлаб чиқариш омилларининг ходимлар ва табиатга таъсири" ҳамда "Корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилишни ташкил этиш ва жамоат назоратини амалга ошириш" масалаларига бағишланди.



Анжуманда корхоналарда "Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонуннинг ижроси, ҳудуддаги корхона ва ташкилотларда меҳнат шароитлари ишлаб чиқариш билан боғлиқ шикастланишлар, инфратузилма объектларига ногиронларнинг тўсқинликсиз ҳаракатланиши учун яратилган шароитлар ва иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш аҳволининг таҳлили, зарарли ишлаб чиқаришнинг ходимларга таъсири, меҳнат шароитларини яхшилаш ва меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ижтимоий шерикликнинг самарадорлигини ошириш масалалари бўйича маърузалар тингланди. Шунингдек, "Ўзметкомбинат"да ишлаб чиқаришнинг зарарли оқибатларини камайтириш ҳақидаги "Яшил иқтисодиёт сари йўл" фильми намойиш этилди.

**Каримқул МАВЛОНОВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

**Фарзандларимиз, ёшларимиз бизнинг нафақат ишончимиз ва келажагимиз, бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир.**

**Ислом КАРИМОВ.**

# ЁШЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ДОИМИЙ ҲИМОЯДА

Дарҳақиқат, бугунги куннинг ёшлари шижоатли, қобилиятли, ҳар жабҳада ўзини кўрсата оладиганлардир.

Республикамизда вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш юзасидан қонунчилик тизимини яратиш борасида бир қанча самарали ишлар амалга оширилмоқда. "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонун, "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги, "Таълим тўғрисида"ги ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг барчаси фарзандларимизнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатлари доимий ҳимояда эканлигини англатади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларининг қатор моддаларида вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини камситувчи ҳолатлар учун жавобгарлик белгиланган. Вояга етмаган қизларни эрта турмушга бериш ҳолатларининг олдини олиш бўйича ҳам тегишли ҳуқуқ нормалари мавжуддир. Бунинг натижасида қизларимиз ҳаётга теранроқ қараб, мустақил фикрлаб, бирон-бир касбнинг этагини тутиб ёки ўқиб, сўнгра турмушга чиқишаяпти.

Яқинда республикамизда Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга қўшимчалар киритиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунига кўра "Никоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш" тўғрисидаги нормалар қабул қилинди. Бу нормалар Жиноят кодексига 125-1-модда, Маъмурий кодексга эса 47-3-модда бўлиб киритилди. Бунда никоҳ ёшига етмаган шахс билан ҳақиқатда никоҳ муносабатларига киришганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарликлар белгиланди. Бундан ташқари, ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар, дин вакилларининг ҳам бу борадаги масъулиятларини оширишлари учун уларга ҳам тегишли жазо чоралари белгилаб қўйилди. Бу нормалар олдига қўйилган мақсад эса 16 ёшга етмаган шахсларнинг жинсий эркинлиги ва дахлсизлигини, қолаверса уларнинг жисмонан ва ақлан соғлом вояга етишларини таъминлашдан иборатдир.

Яқинда Чилонзор туманида жойлашган "DARVIN SERVIS" хусусий клиникаси раҳбарияти томонидан ҳали вояга етмаган 1996 йилнинг 14 сентябрь куни туғилган Рустамова Мастура (исм-шарифи ўзгартириб кўрсатилган) УЗИ кўригидан ўтказилганда унинг ҳомиладор эканлиги аниқланган. Клиника раҳбарияти томонидан бу ҳақда дарҳол Сергели туман Ички ишлар бўлимига хат билан мурожаат қилинган. Ушбу ҳолат юзасидан суриштирув ишлари олиб борилган. Аниқланишича, 1991 йилда Сергели туманида туғилган Норбоев Тўхтасин (исм-шарифи ўзгартириб кўрсатилмоқда) Мастура билан аввалдан ўзаро бир-бирларини яхши кўришиб келишгани ва 2012 йилнинг июль ойида М. Рустамова 16 ёшга тўлмаганлигини билган ҳолда у билан ўзаро жинсий алоқада бўлганлиги, бундан уларнинг ота-оналари хабардорлиги, август ойида Зангиота туманида жойлашган "МОИДА" тўйхонасида уларнинг никоҳ туйи бўлиб ўтган ва кейинчалик Сергели туманида бирга яшаб келишган.

Ҳолат бўйича М. Рустамова Т. Норбоевни яхши кўришини, у билан ўз эркига кўра бирга бўлганлигини, ФҲДЁдан никоҳдан ўтиш учун эса ёши етмаганини, ҳатто масжидга бориб никоҳдан ўтишмоқчи бўлишганида домлалар никоҳ ўқишдан бош тортишганини кўрсатган.

Аммо Тўхтасин ўзининг ушбу ғайриқонуний ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 128-моддаси 2-қисмида кўрсатилган жиноятни содир қилган. Шунинг учун суриштирув жараёнида Тўхтасин Норбоев унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2012 йил 5 декабрь кунидаги "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Қарорини қўллашни илтимос қилиб, ариза билан мурожаат этган.

Яна худди шунга ўхшаш воқеа Учтепа туманида ҳам юз берди. Мансур Сарваров ва Сайёра Халилованинг (исм-шарифлар ўзгартирилган) 16 ёшга тўлмаганлигини била туриб у билан жинсий алоқада бўлган. Натижада Сайёра ҳомиладор бўлиб қолган. Суд мажлисида М. Сарваров ҳам ариза билан мурожаат этиб, унга "Амнистия тўғрисида"ги қарорни қўллашни илтимос қилган.

Бу икки ҳолат бўйича ҳам Тўхтасин Норбоев ва Мансур Сарваровларга амнистия қарори асосида уларнинг айблилик масаласини ҳал қилмай туриб жавобгарликдан озод қилинганлар.

Ёшларимизни эҳтиросларга берилиб, қилган хатолари уларни суд залигача олиб борди. "Гуруч курмаксиз бўлмайди" деганларидек ёшларимиз орасида онда-сонда шундайлари ҳам учраб туради.

Ўзбекистон Республикаси "Таълим тўғрисида"ги Қонунининг 7-моддасига кўра, 12 йиллик узлуксиз таълимни амалга ошириш барча таълим муассасалари учун мажбурийдир. Зеро, умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими олиш хоҳиш эмас, мажбурият.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 47-моддасига кўра, ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаган болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик, маъмурий жавобгарликка сабаб бўлади.

Ўқувчиларга таълим олиш учун барча шароитлар яратилган бир вақтда, болаларнинг таълим олмаслиги, мактаб, коллеж ва лицейга келмаслиги ёки ота-онанинг фарзандини ўқишига тўсқинлик қилиб дарсга юбормаслиги, айни вақтда бунга масъул шахсларнинг эътиборсизлиги жойларда таълим муассасалари, маҳаллий ҳокимликлар, жамоат ташкилотлари, ички ишлар, маҳалла ва бошқа мутасадди идоралар томонидан бу борадаги тушунтириш ва тарғибот ишлари етарли олиб борилмаётганлигини, шу билан бирга айбдор ходимларнинг жавобгарлик масаласи қатъий ҳал этилмаётганлигини кўрсатади.

Халқимиз қадимдан оилага муқаддас қўрғон сифатида қараган. Зеро, оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган гўшадир. Юртимизда "Оила йили", "Аёллар йили", "Соғлом авлод йили", "Она ва бола йили", "Сиҳат-саломатлик йили", "Ёшлар йили" шу билан бирга жорий "Обод турмуш йили" муносабати билан қабул қилинган Давлат дастурлари доирасида юзга яқин ҳужжат тайёрланиб, амалиётга татбиқ этилди. Бундан ташқари, никоҳланувчи шахсларни руҳий, наркологик, таносил, сил, ОИВ/ОИТС касалликлари бўйича бепул тиббий кўрикдан ўтказиш йўлга қўйилди.

Мутахассислар билан бўлган суҳбатлардан маълумки, эрта турмушга чиққан қизларда келин бўлиб тушган оиласига моддий ва маънавий қарамлик, ўзини ёлғиз сезиш, руҳий мувозанатнинг бузилиши, таъсирчанлик, туғуруқдан ўта қўрқиш каби ҳолатлар кўп учрайди. Бундан ташқари, катталарнинг қистови билан турмуш қуриш, мустақил ҳаётга тайёр бўлмаслик, эр-хотинлик масъулияти ва мажбуриятларини тўлиқ англаб етмаслигига олиб келади. Оддий муаммо ва қийинчиликларни ҳал қилишда тажрибанинг етишмаслиги эса оиланинг мустаҳкамлигига, никоҳнинг бардавомлигига путур етказади. Афсуски, айрим ҳолатларда бугун нафақат қизларни ёш турмушга бериш, балки йигитларимизни ҳам эрта уйлантириш жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 15-моддасида никоҳ ёши эркаклар учун 18 ёш ва аёллар учун 17 ёш этиб белгиланган. Бироқ, ушбу ёшга тўлмаган йигит ва қизлар никоҳ ришталарини боғлашда шаръий никоҳ ўқиш билан кифояланиб, амалдаги қонунчиликка риоя этилмаётганлиги натижасида юқорида айтиб ўтилган оқибатлар келиб чиқмоқда.

Ҳеч кимга сир эмаски, соғлом онадан соғлом фарзанд дунёга келади. Яъни, жиддий касаллиги бор, туғуруқ ёшига тўлмаган, вояга етмаганлар ўртасида ҳомиладорликнинг олдини олиш ҳисобига соғлом фарзанд туғилишига эришиш, майиб-мажруҳ ва ногирон болалар туғилиши, оналар ва болалар ўлимининг олдини олиш асосий масала ҳисобланади.

Бу ҳақда бутун мамлакатимиз миқёсида бонг урилиб турган бир вақтда, айрим фуқароларнинг мана шу оддий ҳақиқатни яхши тушуниб етмаётганлиги, ҳамон ўзларининг фуқаровий бурчларига масъулият билан ёндошмаётганлиги бунга асосий сабаб бўлмоқда.

"Қарс икки қўлдан чиқади" дейишади доноларимиз. Шу маънода, айтиш мумкинки, мавжуд қонунчиликка риоя этишда ота-оналар, маҳалла аҳли, ўқитувчилар, қўйингки, боланинг ён-атрофида ким бўлса, уларнинг барчаси ҳам ўз масъулиятларини ҳис қилишса айни муддао бўларди.

Бу эса ҳар биримизни янада ҳушёр бўлишга ундайди. Зеро, ҳушёр киши фарзандини хатарли йўлдан сақлаб қолади ва ўзи ҳам бошқаларнинг олдида изза бўлиб қолмайди.

**Холмирза ҚЎЛДОШЕВ,**
**Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим катта прокурори, адлия маслаҳатчиси.**

2013 йил – Обод турмуш йили

# АБАДИЙ ФАРОВОНЛИККА ЮЗ ТУТГАН ЮРТ

**"Обод турмуш йили" Давлат дастурида мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, аҳоли фаровонлигини ошириш, ҳар бир оила ва умуман жамиятимизда ижтимоий барқарорлик, тинчлик ва тотувликни таъминлаш йўллари аниқ белгиланган.**

Давлат дастурида тўртта қонун – Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида", "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида", ёшларни ишга жойлаштириш шарт-шароитларини янада такомиллаштришга қаратилган "Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида", болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш мақсадида "Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига оила институтини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунларни қабул қилиш кўзда тутилган. Бундан ташқари, "Юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида", "Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида", "Ижтимоий шерикчилик тўғрисида", "Экологик назорат тўғрисида"ги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш режалаштирилган.

Обод турмуш йилида оилани янада мустаҳкамлаш, аёлларнинг оила ва жамиятдаги ўрни ҳамда мавқеини, ижтимоий фаоллигини ошириш, иқтисодиётнинг турли тармоқларида аёллар бандлигини таъминлаш ва фаолиятини муносиб рағбатлантириш, уларга ўзларини намоён этишлари ҳамда уй-рўзғор юмушларини енгиллаштириш учун қулай ижтимоий-маиший шароитлар яратилаётгани бунга яққол мисолдир.

Минг йиллардан бери аждодлардан авлодларга, ота-оналардан фарзандларга, ўтиб келаётган инсоний фазилатларнинг Асосий Қонунимиздан ўрин эгаллагани таҳсинга лойиқдир. Унда инсон ҳуқуқи, шаъни ва қадр-қимматининг энг олий қадрият, деб белгилаб қўйилгани бугунги кунда юртимизда амалга оширилаётган кенг миқёсли ислоҳотлар самарасида ўз исботини топмоқда.

Давлатнинг буюклиги – Ватаннинг озод ва ободлиги, инсоннинг комиллиги, халқнинг эркин ва фаровон ҳаёти билан белгиланади. Юртимизнинг ободлиги, ҳаётимизнинг тўкинлиги, турмушимиз фаровонлиги абадий эканига шак-шубҳа йўқ.

**Феруза МУСАЕВА,**
**ҳуқуқшунос.**

Миллатлараро тотувлик

**Бугун юртимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек, тенг ҳуқуқлилик ҳамда ўзаро ҳамжиҳатлик шароитида яшаб, Ватанимиз янада равнақ топиши йўлида меҳнат қилишмоқда. Уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш, таълим олишлари, қизиқиш ва лаёқатлари бўйича касб-ҳунар эгаллашлари, маданиятлари, анъана ҳамда қадриятларини сақлаш ва ривожлантиришлари учун барча зарур шарт-шароитлар яратиб берилган. Бундай эътибор натижасида кўп миллатли халқимизнинг бой тарихий-маданий мероси қайта тикланди, қадр топди.**

# ҲАМЖИҲАТЛИК ВА БАҒРИКЕНГЛИК – ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ПОЙДЕВОРИ

Асосий Қонунимизда ҳам барча миллат вакилларининг ҳақ-ҳуқуқлари кафолатланган. Жумладан: "Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади". Бугунги кунда мамлакатимизда 140 дан зиёд миллий-маданий марказлар фаолият кўрсатмоқда. Улар жамиятимиздаги тинчлик ва осойишталик, миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлаш, миллий ва умумбашарий анъаналарни равнақ топтириш, уларнинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилишга ҳамда бугунги ислоҳотларнинг бош мақсади бўлган фуқаролик жамиятини барпо этиш ва ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқда. Улар кўплаб тадбирлар, концерт дастурлари, бадиий кечалар, фестиваллар, кўрик-танловлар, конференциялар ташкил этаётир. Масалан, "Ўзбекистон – умумий уйимиз", "Ватан ягонадир, Ватан биттадир", "Қудратимиз – бирлик ва ҳамжиҳатликда" каби шиорлар остидаги фестиваллар кўп миллатли халқимизнинг чинакам дўстлик байрамига айланиб улгурган десак, муболаға қилмаган бўламиз. Шунингдек, Конституция кунига бағишлаб ҳамда Халқаро бағрикенглик куни муносабати билан илмий-амалий конференциялар, учрашувлар, миллий маданият кунлари, декадалар ва миллий байрамлар ўтказиш анъанага айланган.

Тошкент вилояти аҳолисининг миллий таркиби жиҳатидан ўзига хос бўлиб асосан ўзбек, қозоқ, тожик, рус, татар, корейс, қирғиз ва бошқа миллат вакиллари истиқомат қилмоқда. Миллий-маданий марказлар, дўстлик жамиятлари миллатлараро дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этаётган илмий-амалий анжуман, мажлис, давра суҳбати ва маърифий тадбирлар вилоятдаги маънавий ва маърифий муҳитнинг янада соғломлашувига замин яратаяпти.

Вилоятдаги 26 та миллий маданий марказ давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда 2012 йилда миллатлараро муносабатларни янада мустаҳкамлашга қаратилган 938 та илмий-амалий анжуман, мажлис, давра суҳбати, 544 та бадиий (концерт, учрашув, шеърхонлик) кечалари ўтказди. Миллий маданий марказлар қошида 11 та бадиий жамоа бўлиб, улар вилоят, шаҳар ва туман миқёсида ўтказилаётган байрам тадбирларида фаол қатнашаётгани вилоятдаги маънавий ва маърифий муҳитнинг янада соғломлашувига ёрдам бераяпти.

1998 йил 1 майда республика Олий Мажлиси янги таҳрирдаги "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги Қонуни қабул қилиниб, шахснинг виждон ва эътиқод эркинлиги дахлсизлиги ҳуқуқининг акс эттирилиши мамлакатимиз фуқароларининг виждон ва эътиқод эркинлиги таъминланишига асос бўлди. Ҳеч шубҳасиз, Ўзбекистондаги диний ва миллатлараро тотувликни сақлашга доир юксак инсонпарвар сиёсат, жамиятдаги барқарорлик, ўзаро ҳурмат, ҳамжиҳатлик, бағрикенглик, меҳр-оқибат, мурувват ва шафқат, саховат муҳити дуёнинг кўплаб мамлакатлари учун ҳавас қилишга ва намуна бўлишга арзигуликдир.

"Ҳозирги замон ва динлараро мулоқот", "Ўз уйингни ўзинг асра", "Огоҳликни мен қандай ҳис этаман", "Ёшлар диний экстремизмга қарши", "Диний бағрикенглик ва динлараро муносабатлар" каби мавзулар доирасида ташкил этилаётган тадбирлар самараси юртдошларимизнинг аҳил-тотув ҳаётларида яққол акс этиб турибди.

Хулоса қилиб айтганда, юртимизда миллатлараро ва диний тотувликни янада мустаҳкамлашга қаратилган янги ғоя ва ташаббусларнинг пайдо бўлаётгани дўстлик ва ҳамжиҳатликни ривожлантиришга хизмат қилади. Давлатимиз раҳбари эътироф этганидек: "Ўзбекистоннинг бойликлари кўп, лекин бизнинг энг катта бойлигимиз, энг юксак қадриятимиз – жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик, миллатлараро дўстлик ва ҳамкорлик".

**Тоҳир ХОТАМОВ,**
**фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлинмаси бош мутахассиси.**

Қилмиш-қидирмиш

# ЖАР ЁҚАСИДАН ҚАЙТАРИШ ЛОЗИМ

Салим Тожиев (исм-шарифи ўзгартирилган) эллик ёшни қоралаган. Бу ёшда инсон оқни қорадан, ёмонни яхшидан ажратиб олган, аниқ мақсадни кўзлаб, тинч, осуда ҳаёт кечириши лозим эмасми? Йўқ. У бундай қилмади. Беш фарзандининг ризқини қийиб, гиёҳванд моддалар истеъмол қилишга ружу қўйди. Топганини кўчага ташир, заҳри қотил исканжасида ҳеч нарсадан қайтмасди.

Кўза кундамас кунида синади деганларидек, Салим Тожиевнинг саёқ юришлари охир-оқибат ички ишлар ходимларини ҳам сергак торттирди. Шу йилнинг 9 январь куни Шайхонтоҳур тумани ички ишлар бўлими ходимлари уни Оқтепа майдонидаги гастроном олдида тўхтатиб, ҳужжатлари ва ёнидаги нарсаларни холислар иштирокида текшириб кўришди. Шунда унинг ёнидан зар қоғозга ўралган жигаррангли модда чиқди.

Суд кимёвий экспертизасининг хулосасига кўра бу "гашиш" гиёҳванд моддаси эканлиги аниқланди. Бундан ташқари, шаҳар наркология диспансери далолатномасига кўра Салим Тожиев гиёҳвандлик касалига чалингани ҳам исботланди.

Салим Тожиевнинг судда берган кўрсатмасидан маълум бўлишича, у заҳри қотил моддани ўзи истеъмол қилиш учун самарқандлик таниши Анвар исмли кимсадан сотиб олган.

Мазкур ҳолат юзасидан Шайхонтоҳур туман ИИБ С. Тожиевга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 276-моддаси билан жиноят иши қўзғатиб, дастлабки тергов ҳаракатларини олиб бориб, жиноят иши мазмунан кўриш учун жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур туман судига юборилди.

Суд барча далил ва кўрсатмаларни ўрганиб, қарамоғида 5 фарзанди борлиги ва бошқа енгиллаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда унга 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлади.

Жамиятда бундай кимсаларнинг кўпайиши маънавий инқирозни юзага келтиради. Ёш авлод тарбиясига Салим Тожиев каби кимсалар салбий таъсир кўрсатади. Шу сабабли ҳам бу йўлга кирганларни жар ёқасидан қайтариш, уларнинг жамиятда ўз ўринларини қайта эгаллашлари учун кенг жамоатчилик яқиндан ёрдам бериши лозим.

**Баҳодир ЗОКИРОВ,**
**Шайхонтоҳур туман прокуратураси ходими.**




РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

## Хўжалик юритувчи субъектлар диққатига!

**Юридик мақомга эга бўлган корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда масъул мансабдор ходимларини 1-QX shakli, 1-S shakliga 1-ilova, 2-paxta shakli, 1-mehnat shakli, 1-mehnat shakliga ilova (BX) ва 1-xizmat shakli чораклик давлат статистика ҳисоботларини 2013 йил июль кунидан кечиктирмаслигингиз юзасидан огоҳлантириб ўтамиз.**

Давлат статистика кузатувини олиб бориш учун зарур бўлган ҳисобот ва бошқа маълумотларни тақдим этмасликда ифодаланган давлат статистика ҳисоботларини тақдим этиш тартибини бузиш, ҳисобот маълумотларини бузиб кўрсатиш ёки ҳисоботларни тақдим этиш муддатларини бузиш Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 215-моддасида белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлдаги ПФ-4453-сонли "Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони талаблари ҳисобот тақдим қилиш тизимида сифат жиҳатидан юқори босқичга кўтариш имконини бермоқда. Мазкур ҳужжатда статистика ҳисоботларини соддалаштириш, уларнинг шаклларини қисқартириш ва тақдим этишнинг такомиллаштирилган механизмини жорий қилиш бўйича кўплаб вазифалар белгилаб берилган. Шундан келиб чиқиб, 65 та давлат статистика ҳисоботлари шакли қисқартирилган бўлса, 23 тасининг тақдим этиш даврийлиги узайтирилди. Булар кичик бизнес субъектлари учун кўплаб қулайликларни яратмоқда. Илгари микрофирмалар бир йилда 4 марта ҳисобот топширган бўлса, энди 1 марта йиллик ҳисоботни тақдим этади. Фермер хўжаликлари томонидан эса 5 марта ўрнига йилда 3 марта ҳисобот тақдим этиши белгиланган.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 18 июлдаги "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони асосида соҳага яна бир қатор янгиликлар татбиқ қилинди. Статистика ҳисоботларини топширишнинг электрон тизимига ўтиш бўйича изчил чора-тадбирлар кўрилаётгани, айниқса, эътиборга молик. Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасида Электрон рақамли имзо (ЭРИ)дан фойдаланган ҳолда, электрон кўринишдаги статистика ҳисоботини йиғиш тизими кенг йўлга қўйилди. Бундай кўринишдаги давлат статистика ҳисоботларини интернет орқали жўнатиш тизимининг асосини eStat 2.0 дастурий таъминоти ташкил этади. Яъни ҳозирги кунда 13 та ойлик, 35 та чораклик ва 93 та йиллик, жами 141 давлат статистика ҳисобот шакли хўжалик субъектлари томонидан электрон тарзда тақдим этилиши учун имкониятлар яратилган.

**Тошкент вилояти статистика бошқармаси.**

**Тошкент вилояти Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси томонидан Тошкент вилояти "DORI-DARMON" ОАЖ тизимидаги қуйидаги дорихона биноларига берилган мулкий ҳуқуқни тасдиқловчи:**

1. Чиноз туманидаги 13-сонли дорихона биносига – (давлат ордери № 2392, 28.07.1994 йил) – 13-сонли "Нафиса" дорихонасига;

2. Зангиота туманидаги 110-сонли дорихона биносига (давлат ордери № 2200, 06.06.1994 йил) – "Эшон бува" Зангиота тумани 110-сонли дорихонасига;

3. Бўка туманидаги 28-сонли дорихона биносига (давлат ордери № 2565, 26.08.1994 йил) – "Табобат" АЖ Бўка тумани 28-сонли дорихонасига берилган давлат ордерлари йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

**"KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Юнусобод тумани СИБ томонидан тақдим қилинган қуйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда: 16.04.2012 й.даги 10-1214/1875-сонли ижро ҳужжатига асосан, бошланғич нархи – 20 000 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, А. Дониш кўчаси, Юнусобод деҳқон бозори, 1-айвон ҳудудида жойлашган, умумий ер майдони 9,0 кв.м. бўлган 77-сонли савдо дўкони қўйилмоқда. Аукцион савдоси 2013 йилнинг 2 август куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб утади.

Такрорий аукцион савдосига 1) Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан тақдим қилинган қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда: 1. 23.07.2012 й.даги 10681-82/11-сонли ижро ҳужжатига асосан, бошланғич нархи – 56 500 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, ТашГРЭС кўчаси, 28-уйда жойлашган, умумий фой. майдони 59,52 кв.м., яшаш майдони 33,32 кв.м бўлган 2 хонали 40-хонадон. 2) Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан Тошкент вилоят Жиноят ишлари буйича судининг 08.11.2011 й.даги ижро варақасига асосан, етказилган моддий зарарни қоплашга қаратилган, бошланғич нархи – 364 432 425 сўм бўлган, "Аркони Зафар" МЧЖга тегишли, Шайхонтоҳур тумани, Жарариқ кўчасида жойлашган, умумий майдони 453 кв.м., 2 қаватли ва ертўладан иборат, умумий хоналари сони 10 та, умумий йўлаклар сони 2 та, 1 та ёрдамчи хона, 1 та ҳожатхона, 1 та ошхонаси мавжуд бўлган бино кўчмас мулклар қўйилмоқда.

Такрорий аукцион савдоси 2013 йилнинг 19 июль куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖнинг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги ҳисоб рақамига 20208000104931635001 тўлашлари шарт. МФО 00425, СТИР 207128747, ОКОНХ 83400.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар расмий иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: № 0039.

**"Кўп тармоқли ихтисослаштирилган аукцион савдо" МЧЖ (КТИАС) аукцион савдоларини ташкил қилиш корхонаси томонидан баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Такрорий аукцион савдосига Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, "Дероз" хусусий корхонасида сақланаётган 22.06.2012 йилдаги №9099/15-сон ижро ҳужжат. асосан 1. Бисквит ишлаб чиқариш линияси (автоматическая технологическая линия по производству бисквита производительностью 100 кг/час), бошланғич нархи – 920 000 000 сўм, 2. Кремли вафли ишлаб чиқариш линияси (автоматическая технологическая линия по производству наполненных кремом плоских вафель, производительностью 420 кг/час), бошланғич нархи – 880 000 000 сўм. Аукцион савдолари 2013 йилнинг 18 июль куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кучаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, КТИАСнинг ҳисоб рақамига 20208000904929477001, АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиали, МФО 00425, ИНН 302074183, ОКОНХ 83200 га тўлашлари шарт.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар расмий иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. Телефон: 249-54-59.

Гувоҳнома № 005382-05.






Утерянный аттестат о неполном среднем образовании (№ 12), U № 0387238, выданный 23 июля 2003 году средней школой № 67 Хамзинского района г. Ташкента на имя Якубовой Малики Шавкатовны, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек туманидаги 142-мактаб томонидан 2007 йил 14 июнда 3-рақам билан қайд қилинган U № 2875233 сонли Гафуров Амир Алимович номига берилган шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Оққўрғон тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан 2008 йил 5 декабрда № 162/1086 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "JAYXUN-ISHONCH SAVDO" (ИНН 300998055) хусусий корхонаси **ТУГАТИЛАДИ** (қарор № 1, 24.06.2013 й.).

Даъволар 2 ой давомида Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани "Аччи" ҚФЙ манзили бўйича қабул қилинади. Тел.: (+99890) 955-00-14.

Оққўрғон тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан 18.02.2010 йилда 31/1335 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "SARDOR SANJAR FAYZ" (ИНН 301507878) хусусий фирмасига тегишли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент вилояти, Зангиота тумани "Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати" томонидан 2012 йил 17 июлда ХТ Мавлонов Абдураззоқ Абдумавлонович номига берилган ОУ 476658 рақамли ер гувоҳномаси ҳамда ТА 1514301 рақамли мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Олмазор тумани ТСРЎИ томонидан 26.09.2011 йилда 005455-05 тартиб рақами билан рўйхатга олинган "ECO PLAST PRODUCT" (ИНН 302105530) МЧЖнинг гувоҳномаси, думалоқ муҳри, бурчак тамғаси ва таъсис ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Шайхонтоҳур туман ҳокимияти томонидан 2008 йил 20 майда 002627-09 реестр рақами билан рўйхатга олинган "AKMAL SAVDO PLUS" (ИНН 300840054) МЧЖга тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ООО "JIN WOO BUILT" (ИНН 301609290), зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского района г. Ташкента, расположенное по адресу: Чиланзар-1-14-50, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (протокол собрания № 1 от 28.06.2013г.).

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления по телефону: 189-50-47.

Частная фирма "ABDURASHID-ABDURAHMON" (ИНН 205918722), зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Аккурганского района Ташкентской области (реестр. № 296 от 23.12.2005г.), расположенное по адресу: Фермерское хозяйство "Азат", **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (протокол № 1 от 19.06.2013г.).

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления.

Утерянную гувохному (патент) 08-07419 (реестр 0808662), выданную 02.08.2012г. хокимиятом Чиланзарского района г. Ташкента на имя Байдуллаев Лутфилло Сохобидинович, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНОЙ.**

Утерянный аттестат о среднем образовании O`R-E № 051611 от 20.06.1998г., выданный средней школой № 195 Чиланзарского района г. Ташкента на имя Гричуха Лолы Олеговны, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт

Армрестлинг

# ОСИЁ ПОЛВОНЛАРИ БАҲСИ

**Қибрай туманида армрестлинг бўйича ёшлар, катталар, хотин-қизлар, фахрийлар ва имконияти чекланганлар ўртасида Осиё чемпионати бошланди.**



Осиё армрестлинг федерацияси (ААF), Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Армрестлинг федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур нуфузли мусобақада юртимиз спортчилари билан бирга Япония, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Покистон, Мўғулистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон сингари ўндан зиёд давлатдан 350 нафарга яқин спортчи куч синашмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида спортни ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш ва ҳар томонлама етук спортчиларни тайёрлашга хизмат қилаётир. Бугун мамлакатимизда ўн мингга яқин спортчи армрестлинг билан мунтазам шуғулланмоқда. Пойтахтимиз 2005 ва 2009 йилларда мазкур спорт тури бўйича қитъа чемпионатларига мезбонлик қилган.

– Ўзбекистонда армрестлинг бўйича халқаро миқёсдаги мусобақалар ҳар доим юқори савияда ташкил этилади, – деди Осиё армрестлинг федерацияси вице-президенти Мун Хо Кол (Жанубий Корея). – Бу мазкур спорт турининг нафақат Ўзбекистонда, балки бутун Осиёда оммалашишига хизмат қилмоқда.

Ўзбек армрестлинг усталарининг халқаро мусобақалардаги муваффақиятлари сони ва салмоғи ортиб бормоқда. Жумладан, спортчиларимиз 2012 йили Эронда ўтказилган Осиё чемпионатида 5 олтин, 4 кумуш ва 3 бронза медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллади. Бразилияда ўтган жаҳон чемпионатида терма жамоамиз бир олтин, уч кумуш ва икки бронза медаль билан тақдирланди.

Бу галги Осиё чемпионатида саксон нафардан зиёд спортчимиз Ватанимиз шарафини ҳимоя қилмоқда. Улар орасида жаҳон ва қитъа чемпионатлари ғолиб ва совриндорлари билан бирга иқтидорли ёш спортчилар ҳам бор.

**Байрам АЙТМУРОДОВ,**
**ЎзА мухбири.**

"Жаҳон чемпионати – 2013"

# ЁШ ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗ – ГУРУҲ ПЕШҚАДАМИ

**Футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Туркияда давом этаётган 20 ёшгача бўлган футболчилар ўртасидаги жаҳон чемпионатининг "F" гуруҳида пешқадамлик қилмоқда.**

Мусобақанинг иккинчи туридан жой олган Ўзбекистон ва Хорватия ўйини барчанинг диққат марказида бўлди. Негаки, ҳар икки жамоа дастлабки турда ғалаба қозонган, ушбу баҳс ғолиби муддатидан олдин плей-офф босқичига чиқарди.

Ўйин кескин ва муросасиз курашларга бой бўлди. 24-дақиқада ҳужумчиларга ёрдамга келган марказий ҳимоячимиз Сардор Раҳмонов хорватияликлар дарвозасини аниқ нишонга олди.

Ўйиннинг иккинчи ярмида хорватияликлар етакчиси Марко Ливая ҳисобни тенглаштирди. Қолган дақиқаларда дарвозалар дахлсизлиги сақланиб қолди.

Иккинчи учрашувда 1:1 ҳисобида дуранг ўйнаб, тўрт очко жамғарган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси тўплар нисбатига кўра гуруҳда биринчи, хорватияликлар эса иккинчи ўринни эгаллаб турибди.

Гуруҳдаги иккинчи учрашувда Уругвай ёшлар терма жамоаси Янги Зеландия вакилларини



2:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, дастлабки уч очкосини қўлга киритди.

Туркия яшил майдонларида давом этаётган жаҳон чемпионати учрашувларини дунё бўйлаб миллионлаб мухлис кузатмоқда, мутахассислар, экспертлар ва мураббийлар ҳар бир ўйинни синчковлик билан таҳлил қилаётир. 24 терма жамоа орасида умумий натижаларга кўра, кетма-кет икки ўйинда зафар қучган Европа чемпиони – Испания футболчилари етакчилик қилмоқда. Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси эса ўйин сифати, техник ва тактик устунлик, тўплар нисбати каби кўрсаткичлар бўйича испанияликлардан бошқа барча терма жамоаларни ортда қолдирмоқда.

2003 ва 2009 йиллардаги ёшлар мундиалида футболчиларимиз атиги бир очко жамғарган эди. Бу галги чемпионатда Ўзбекистон ёшлари ҳалол ва комбинацион ўйини, юксак истеъдоди ва маҳорати билан мусобақа кашфиётига айланиб, миллионлаб мухлислар эътиборини қозонмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда ўсмирлар ва ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатларида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва Болтиқбўйи мамлакатлари орасидан фақат Ўзбекистон футболчилари муносиб иштирок этмоқда. Бу Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида болалар спорти ва футболни ривожлантиришга қаратилаётган доимий ва улкан эътиборнинг амалдаги самараларидандир.

"F" гуруҳидаги сўнгги тур учрашувлари 29 июнь куни ўтказилади. Шу куни футболчиларимиз Анталия шаҳрида Жанубий Америка чемпионати совриндори Уругвай ёшлар терма жамоасига қарши майдонга тушади.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

# КАШФИЁТЛАР ТАРИХИДАН

Илк транспорт тури – ёғочдан ишланган мотоцикл 1885 йилда германиялик Готлиб Даймлер томонидан ясалган ва двигатели бензин билан ҳаракатланган. Орадан бир йил ўтиб, Карл Бенц автомобиль деб ҳисоблаш мумкин бўлган уч ғилдиракли транспорт турини яратди. Бундан кўп ўтмай Даймлер ва Бенц томонидан тўрт ғилдиракли автомашина яратилиши тарих саҳифаларида муҳрланди.

* * *

Парашют 1792 йилда Париж шаҳри атрофида Андре Гарнерен томонидан ясалган ва унинг ўзи биринчи бўлиб хавфли сакрашни амалга оширган. Андренинг парашюти матодан бўлиб, бамбук рамкасига ўралган эди.

* * *

Илк велосипедни 1888 йилда Жон Бойд Данлоп ясаган. У ёғочдан бўлиб, ғилдираги ва темир шинаси антиқа кўринишда эди. 1900 йилдан бошлаб ясалган турли кўринишдаги велосипедлар бугунгидек шаклга етиб келди. 1970– йиллардан бошлаб велопойгалар ўтказилиши урфга кирди.

**М. АҲМЕДОВА**
**тайёрлади.**

*Ҳажвия*



# ТАНДИР

*(Давоми. Боши ўтган сонда).*

– Мана шу эгнимдаги костюм, оёғимдаги туфлини сизга сарпо қилиб келган экан, у кишига катта келади деб, қўймасдан менга кийдириб кетди...

Бу гапдан Жим-жит аканинг қовоқлари титраб, кўзлари пирпирай бошлади.

– Қалай, ярашибдими? – Кенгаш мода намойиш қилаётгандай, унинг қаршисида айланиб, костюмини кўз-кўз қилди, кейин янги туфлининг пошнасини семонга тапиллатиб, мақтанди. – Туфлиям тоза чарм экан – оёқ яйраб қолди!

Саҳмон жим-жит бошқа тоқат қилолмади, шарт ўгирилиб, елкасида репортёр билан радиодан чиқиб кетди. Ўша куни у ишхонада бошқа кўринмади, кечки дастурдаги механизаторларнинг семинаридан махсус репортажини ҳам топширмади. Репортаж ўрнида дала илғорлари учун опера арияларидан концерт берилди.

Эртасига бошлиқ ҳузуридаги йиғилишдан қип-қизариб чиққан мудирамиз Пистагул остонаданоқ айюҳанносини бошлаб юборди:

– Бу ер ишхонамас – жиннихона, ҳаммангни томинг кетган! – у тарс-турс юриб келиб, хона тўридаги юмшоқкурсига гурс этиб ўзини ташлади. – Сенларни деб ҳайфсан ҳам олдим! Бўлди, ҳаммаси жонимга тегди, шу бугуноқ декрет отпускага чиқиб, эримнинг топганини е-е-еб, уйда ўтираман!

Кейин у Кенгашга тешиб юборгудай ўқрайиб, заҳарини сочди:

– Ҳамма балони қилиб, ҳеч нима билмагандай писмайиб ўтирибсанми?! Отанг тенги одамнинг устидан кулгани уялмадингми?! Қаёқдаги ёлғон-яшиқларни гапириб, бечорани йиқитибсан!

– Бу ҳазил эди...

– Ҳе, ҳазилинг бошингда қосин! Ҳозироқ Саҳмон аканикига бориб, у кишидан узр сўрайсан. Қон босими кўтарилиб ётганмиш. Худо кўрсатмасин, инсульт-пинсульт бўпқоса, хотини сени омон қўймайди!

Кенгаш оғир тин олиб, ўрнидан турди. У кўп қаватли уйнинг иккинчи қаватига кўтарилиб, яшил эшик қўнғироғини кетма-кет босди. Эшикни юзи сўлғин Саҳмон жимжитнинг ўзи очди.

– Ҳа, сизмидингиз? – деди у хаста овозда, кейин индамай ичкарига юрди.

Улар олдинма-кетин йўлакнинг чап томонидаги чоққина хонага киришди. Саҳмон ака девор ёнидаги диванга бориб, ёстиққа ёнбошлади, Кенгаш эса атрофига кўрпача ташланган хонтахтанинг бир томонига омонатгина чўкиб, "Ҳозир янга кира солиб, мени юмдалашни бошласа керак" деган хаёлда эшикка хавотирланиб қараб қўйди.

– Янгангиз ишда, – деди Саҳмон ака унинг фикрини уққандай .

Янганинг йўқлигидан Кенгашга жон кириб:

– Сизга нима бўлди, оқсоқол, кўз тегдими? – деди илжайиб.

– Давления... – деди Жим-жит ака.

– Йўғ-е, сизда давления нима қисин, шунчаки чарчагандирсиз-да...

– Балки чарчагандирман, – деди Саҳмон ака сўлиш олиб, кейин безовта бўлиб ўрнидан қўзғалди. – Уйда ҳеч ким ... чой дамлаб келай...

– Чой учун раҳмат, оқсоқол, – деди Кенгаш қизариб. – Сизга бир жиддий гапни айтмоқчийдим...

– Яхшибойни айтмоқчимидингиз?! – деди Жим-жит ака қалампир чайнагандай афтини буриштириб.

– Топдингиз, Яхшибой ҳақида гапирмоқчийдим, лекин унинг кеганлари ёлғонлигини айтмоқчийдим... Ўша Яхшибой деганингиз, бирор марта кемаганди... У кеган бўса, тандир кабобидан бир тишлам еган бўсам – ош бўмасин, костюмини кийган бўсам-буюрмасин! Ҳазилим сизга шунчалик таъсир қилади, деб ўйламабман. Одобсизлигим учун узр сўрайман, илтимос, мени кечиринг, устоз...

Кенгаш худди ўчирилган радиодай боши хам бўлганича, жимиб қолди.

Шунда ғалати ҳодиса рўй берди, Жим-жит аканинг сўлғин юзига қон югурди, кўзлари чақнаб:

– У ростдан кемаганмиди?! – деди.

– Бирор марта кеган бўса, ҳар бало бўлайин!

– Вот ярамас, тандир ваъда қилиб, тандир кийдириб кетибди-да?! – деди Саҳмон ака ўнг муштини чап кафтига уриб. – "Кемайди!" десам "Яйлов одамлари кенг бўлади, келади!" деб мени уриб енгдингиз. Ҳозир ҳаммаёқ торайиб кетган, яйловдагисиям, шаҳардагисиям бир хил, ваъдани қуюқ бериб, оғзингизга кесак суртиб кетишади! Ҳай, бу гапларни қўйинг, ишхонада нима янгиликлар, шундан гапиринг!

Сўнгги саволни Жим-жит ака ишхонада худди бир ой бўлмагандай берганидан Кенгашнинг яна шумлиги қўзиб:

– Бўлим мудиримиз Пистагулнинг декрет отпускага кетишини ҳисобга омаганда, деярли янгилик йўқ.! – деворди.

– Пистагул декрет отпускага кетмоқчими?! Пистагул-а?! – Жим-жит аканинг кўзлари ҳайратдан бақрайди.

– Ҳа-да! – деди Кенгаш тилига келган янги ёлғонидан ўзи илҳомланиб. – Аммо унинг декретга кетиши сизга боғлиқ бўп турибди.

– Ман причём, бу иш эрига боғлиқмасми? – деди баттар ажабланган Жим-жит ака.

– Унингиз: "Аввал мудирликни Саҳмон акага топшираман, кейин декретга кетаман", деяпти!

– Шундай дедими-я?! – Жим-житнинг ҳаяжондан юзи бўғриқди.

– Деди!

– Э, шундай деган бўса, боёқишни куттирмасдан ишга борайлик! – Саҳмон жим-жит дивандан даст кўтарилиб, хонадан чиқар экан Кенгашга деди. – Мен ҳозир... кийиниб олай...

**Дилфуза АКБАРОВА.**

Сураткаш ҳазили




Жиноятга жазо муқаррар

# НАФСИ ЎПҚОН БОЗОРҚЎМ

Азал-азалдан бозорлар қут-барака тимсоли сифатида юртимизнинг рамзи бўлиб келган. Улардаги тўкин-сочинлик ушбу мамлакат халқининг қай даражада тўқ ва фаровон ҳаёт кечираётганидан далолат.

Бозорни ризқ-рўз манбаи, дея бу ерда бирор ножўя иш ёки хатти-ҳаракат қилишдан одамлар ўзларини тийишган. Буни имон ва виждон иши деб билишган.

Минг афсуски, бугунга келиб, бундай тушунчалар кишилар онгу шууридан бироз ўчаётгандек назаримизда. Сотувчиларнинг харидорлар ҳақига хиёнати, бозорлар раҳбарларининг тадбиркору ишбилармонлар йўлига тўғаноқ бўлиб, ўз нафслари йўлида ҳар қандай ҳаромхўрликдан қайтмаётганлари халқимизнинг бозорга бўлган азалий ҳурмат ва эътиборига бироз путур етказмоқда. Бу ҳақда сўнгги пайтларда телерадио ва газеталар орқали кўриб, эшитиб, ўқиб турибмиз.

"Юқоричирчиқ туман деҳқон бозори" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Мастура Усмонова ҳам



юқоридагидек ножўя иш тутди. У раҳбарлик курсисига ўтиргач, ўзини йўқотди-қўйди. Раҳбарман, дея ҳеч кимни менсимас, қўл остидаги ишчилару бозордаги тадбиркорларга паст назар билан қарар, гўё улар унинг паноҳида юради, шунинг учун доим хизматида бўлишлари керак, деб ҳисобларди.

Энг қизиғи – худди бозор хусусий мулкидек, ҳар бир сотувчию тадбиркордан патта пулларидан ташқари яна ўзининг шахсий манфаатлари учун қўшимча маблағ талаб қилар, шотирлари орқали нақд пулларни йиғиб, ҳамёнига урарди. Устомонлиги шу даражадаки, ўзининг чўнтагига тушадаган пулларни ҳам сохта хат-ҳужжатлар билан расмийлаштириб, сиртига сув юқтирмасди.

Таажжубли жиҳати шундаки, бозор фаолиятини ўрганиш мақсадида келган текширувчи ҳар қандай орган ва идора вакиллари ҳам М. Усмcórованинг ялтоқланишию оғизларини мойлаб туришидан бу ердаги камчиликларни гўё кўришмас, аниқлаганларини ҳам енг ичида йўқ қилишарди.

М. Усмонованинг нафс ўпқони шу даражада кенгайдики, энди бозорда тадбиркорлик билан шуғулланишни истовчи жисмоний шахслардан ҳудуддан жой ажратиб бериш эвазига 1000 АҚШ долларидан пул талаб қилди.

Қурбақани ҳам боссанг "вақ" дейди, деганларидек, бозорда ишлашни хоҳловчилар раҳбарнинг бу талабидан фиғонлари фалакка етди. Охир-оқибат улар бу ҳақда Миллий хавфсизлик хизмати вилоят бошқармасига ариза билан мурожаат қилишди.

Ушбу мурожаат асосида тадбиркорлар ва бозор раҳбари М. Усмонованинг суҳбатлари овоз ёзиш воситалари орқали инкор этиб бўлмайдиган қилиб тасмага тушириб олинди ва бу ҳолат бўйича махсус тадбир уюштирилди.

Вилоят Миллий хавфсизлик хизмати ҳамда прокуратура органи ҳамкорликда ўтказган тадбирда бозор раҳбари М. Усмонова ва унинг шотири, ҳамтовоғи, ўринбосари Комила Каримова тадбиркорлардан 1000 АҚШ долларини олаётган пайтида қўлга олинди.

Кўза кундамас кунида синади, деганларидек бу икки нафси ҳаккалак отганлар ўзларини ўзлари тузоққа илинтиришди. Энди қилмишларига яраша қонун олдида жавоб берадилар.

Уларга нисбатан Жиноят кодексининг тегишли моддаларига асосан жиноят иши қўзғатилди ва тергов-суриштирув ишлари бошлаб юборилди.

**Карим САЛОМОВ.**




# БЕШ ЮЗИНЧИ ҚАТЛ

**Американинг Техас штатида 1982 йилдан буёнги беш юзинчи қатл маросими ўтказилгани тўғрисида хабар тарқатди AFP агентлиги.**



Бу сафар 52 ёшли аёл Кимберли Маккарти танасига игна орқали заҳарли модда юбориш йўли билан қатл этилди. Маккарти бундан 14 йил аввал ўз қўшниси, собиқ коллеж ўқитувчиси Дороти Бусни ваҳшийларча ўлдиргани учун олий жазога ҳукм қилинганди. Маккарти ушбу қотилликни ўғирлик мақсадида қилганди.

Аёл ўлимга маҳкум қилинганидан сўнг унинг яна иккита қотилликка алоқадор эканлиги ҳақида далиллар юзага чиқди. Бироқ, шундоқ ҳам у олий жазога маҳкум этилгани боис янги далиллар юзасидан жиноят иши қўзғатилмади. Дарвоқе, илгари ҳам африкалик бу Америка фуқаросини қатл этиш маросими икки марта тўхтатиб қолинган эди. Бунинг сабаби турлича бўлиб, бир галгисида суд жараёнида фақат оқ танлилар қатнашган экан.

АҚШ олий суди 1976 йилда олий жазони қайта тиклагандан буён мамлакатда 1300 жиноятчи қатл этилди. Ана шу қурбонларнинг 40 фоизи Техас фуқароларидир. Таъкидлаш жоизки, мамлакатда аёллар камдан-кам қатл эттирилади. Маккарти 13-аёл сифатида тарихда қоладиган бўлди.

# БОШ ВАЗИР ЛАВОЗИМИГА ҚАЙТДИ

**Австралиянинг собиқ бош вазири уч йиллик танаффусдан сўнг яна бош вазир лавозимини эгаллаб, қасамёд қабул қилди.**

Радд 2010 йилда бош вазир лавозимига ўтирган Жулия Гиллардннинг ўрнини қайта эгаллади. Гиллард 26 июнь куни бўлиб ўтган Австралия ҳукумати тепасидаги Лейбористлар партияси бошлиғи сайловида мағлуб бўлгани учун бош вазир лавозимини топшириб, истеъфога чиқишга мажбур бўлди.

Кевин Радд 2007 йилдан 2010 йилгача Лейбористлар етакчиси ҳамда ҳукумат раҳбари бўлган эди. Ўшанда Гиллард партия раҳбариятида унинг муовини бўлган. 2010 йилда Лейбористлар пар-



тияси етакчиси сайловида ғолиб чиққач, Радднинг ўрнини эгаллаган эди.

Жулия Гиллард ички партия сайловида мағлубиятга учрагач, сиёсат оламидан кетмоқчи эканини маълум қилди.

# ТИНЧ НАМОЙИШ ОММАВИЙ ТАРТИБСИЗЛИККА АЙЛАНДИ

**Бразилиянинг Белу-Оризонт шаҳри марказида оммавий тартибсизликлар, тўс-тўполон ва ўғриликлар авж олиб кетди. Намойишда 50 мингдан зиёд киши иштирок этди.**



Намойишчилар ҳукуматнинг ижтимоий сиёсати, мамлакатдаги қимматчилик, коррупция авж олганлиги, сиёсий тизим самарасизлиги, шунингдек, ФИФАнинг йирик халқаро турнирларини ташкил этиш учун кўп миллиардлаб давлат маблағлари сарфланаётганига қарши норозилик билдирмоқдалар. Аввалига намойишлар тинч ўтиб турди. Бироқ, радикал кайфиятдаги ёшлар конфедерация кубоги учун Бразилия ҳамда Уругвай жамоалари ўртасидаги ярим финал учрашуви ўтказиладиган стадиондан икки километр нарида жойлашган полициячилар сафини ёриб ўтишга ҳаракат қилдилар. Шунда тартиб сақловчилар кўздан ёш оқизувчи газ жойланган гранаталардан фойдаланишга мажбур бўлдилар.

Маълумотларга қараганда, 24 киши қамоққа олинди. Полициячилар билан тўқнашувлар чоғида яраланганлар бор. Намойишчилар ўтган кўчалардаги магазинлар талон-торож қилинди, бир нечта автомашина ёқиб юборилди. Полиция фақат кечга бориб вазиятни ўз назорати остига олишга муваффақ бўлди.

Жанубий Американинг энг йирик мамлакатларидан бири бўлган Бразилияда икки ҳафтадан буён намойишлар давом этмоқда. Мамлакат аҳолисининг тўртдан уч қисми намойишчиларни қўллаб-қувватлаётганини маълум қилишди социологлар.

# ЮЗ КАРАТЛИ ОЛМОС ТОПИЛДИ

**Африканинг Лесото мамлакатида оғирлиги 100 каратдан зиёд йирик олмос топилди. Бу "Летсенг" шахтасида кейинги вақтларда топилган учинчи йирик олмосдир.**

– Шуниси қизиқки, – деб ёзади Reuters агентлиги, – ушбу учта йирик олмос кетма-кет топилганидан сўнг Gem Diamonds компаниясининг бозордаги мавқеи кескин кўтарилиб кетди.

Бундай йирик, қимматбаҳо тошларнинг нархи жуда юқори бўлиб, 6 миллиондан 10 миллион долларгача сотилиши мумкин. Жумладан, шу йилнинг май ойи охирида "Летсенг" шахтасида топилган 164 каратли олмос 9 миллион долларга сотилди.



Таъкидлаш жоизки, "Летсенг" шахтаси ўзининг йирик олмослари билан машҳур. "Интерфакс"нинг маълум қилишича, бу ердан 216, 366, 494 ва 606 каратли олмослар топилган.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 236-55-59, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 236-55-54.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи Бекзод ҲИДОЯТОВ
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма J 7487. Адади 13 977. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.00.